

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 13 ноябрь, № 240 (9411) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг жорий фаолияти ва қувватларини кенгайтириш бўйича режалар юзасидан тақдимот билан танишди.

1997 йилда ишга туширилган завод мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғида муҳим ўрин тутади. Корхона йилига 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш лойиҳавий қувватига эга. Бу ерда автобензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин ва бошқа турдаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Заводда 3,2 мингдан зиёд кишилар меҳнат қилмоқда.

Тақдимотда корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида 1,5 миллион тоннадан зиёд хомашё қайта ишланиб, қарийб 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Соф фойда 2,2 триллион сўмни ташкил этган.

Йил якунига қадар хомашёни қайта ишлаш ҳажмини 2,17 миллион тоннага, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни эса 2,12 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Корхонани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва юқори сифатли ёқилғи турларини ўзлаштиришдир.

Хусусан, заводда “Евро-5” экологик стандартига жавоб берадиган “АИ-92” ва “АИ-95” русумли автобензин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қиймати 328 миллион долларлик лойиҳа ишлаб чиқилган. Унинг доирасида мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янги ишлаб чиқариш қурилмаларини барпо этиш кўзда тутилган.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилига 1,1 миллион тонна “Евро-5” стандартидаги автобензин ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, импорт қилинадиган ёқилғи қўшимчалари харажатларидан йилига 150 миллион долларгача маблағ тежалиши ва 200 та янги иш ўрни ташкил этилиши кутилмоқда.

Режага кўра лойиҳани 2029 йилнинг иккинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган.

Тақдимотда заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш бўйича истиқболли лойиҳа ҳам кўриб чиқилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қиймати 1,8 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳа доирасида нефтни замонавий қайта ишлаш ва нефть-кимё технологияларини жорий этиш, янги технологик қурилмаларни барпо қилиш режалаштирилган.

Натижада заводда ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотларининг умумий йиллик ҳажмини ҳозирги 2,1 миллион тоннадан 4,6 миллион тоннага етказиш имконияти пайдо бўлади. Жумладан, автобензин ишлаб чиқариш 2,7 миллион тоннага, дизель ёнилғиси 1,24 миллион тоннага, авиакеросин 500 минг тоннага етказилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, бензол ва бошқа нефть-кимё маҳсулотларини ўзлаштириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятлари кенгаяди.

Лойиҳани амалга оширишда Хитой, Франция, АҚШ ва Озарбайжоннинг етакчи технологик компаниялари билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда. Қурилиш ишларини 2028 йилда бошлаш мўлжалланган.

Тақдимот давомида лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, замонавий технологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда юқори сифатли ва рақобатбардош нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.



ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ТАШАББУСКОРИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) глобал иқлим кун тартиби муҳокамаси билан бирга, халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб берган муҳим майдон бўлди. Президентимизнинг сессия тадбирларидаги иштироки Ўзбекистоннинг глобал иқлим кун тартибидаги фаоллигини кўрсатди.

Муносабат

Саммитда иқлим ўзгаришига мослашиш, экологик хавфларга қарши курашиш, “яшил” тараққиёт ва халқаро молия масалалари муҳокама қилинди. Анжуман доирасидаги учрашувлар Ўзбекистонга “яшил” энергетика, сув тежовчи технологиялар, иқлимга мос қишлоқ хўжалиги ва экологик инфратузилма учун инвестиция жалб қилиш имконини беради. Президентимизнинг халқаро ташкилотлар ва давлатлар раҳбарлари билан икки томонлама мулоқотлари эса амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим дипломатик канал ҳисобланади.

Муаммо ечимига қаратилган таклифлар

Давлатимиз раҳбарининг сессияда сўзлаган нутқи иқлим ўзгаришига қарши курашишни мамлакатнинг иқтисодий модернизацияси ва минтақавий ҳамкорлиги билан боғлаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Унда қайта тикланувчи энергетика, сув тежамкорлиги, ерларни тиклаш, чиқиндиларни бошқариш ва экологик тарбия масалалари қамраб олинган.

Президентимиз нутқида ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш мақсади муддатидан олдин бажарилгани, 2035 йилгача чиқиндиларни 50 фоизга камайтириш бўйича янги марра белгиланган айтилди. Ўз навбатида, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини яқин тўрт йилда 54 фоизга етказиш режаси ҳам эълон қилинди. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуёш ва шамол электр станцияларини қуришнинг ўзи кифоя эмас. Электр тармоқларини модернизация қилиш, энергияни сақлаш қувватларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва биноларда энергия самарадорлигини ошириш ҳам зарур. Шу билан бирга чиқиндиларни ҳисоблаш ва қисқартириш усуллари очиқ бўлиши, натижалар мунтазам баҳоланиши керак.

Давлатимиз раҳбарининг айни масаладаги ҳар бир чиқишида мавжуд муаммоларни ечиш йўллари ҳам таклиф этилади. Зеро, уларнинг замирида саноатни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этишдек кенг қамровли вазифалар мужассам. Хусусан, қуёш ва шамол энергетикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш энергия таъминоти барқарорлигини мустаҳкамлабгина қолмай, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқарилишини камайтириш, иш ўринлари яратиш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Нуткда сув сарфи ўн йилда деярли икки баравар камайгани, ҳавзалардан олинаётган сув ҳажми бешдан бир қисмга қисқаргани ва суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилгани таъкидланди. Бу кўрсаткичлар сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича ишлар кенгаяётганини англатади. Бироқ Марказий Осиёда сув масаласи фақат миллий даражада ҳал бўлмаслиги, дарёлар ва ҳавзалар трансчегаравий бўлгани учун маълумот алмашиш, мавсумий эҳтиёжларни келишиш ва сувдан фойдаланишда ўзаро манфаатни ҳисобга олиш муҳимлиги уқтирилди.

Келгуси йилдан Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилиши минтақавий ҳамкорликни кучайтириш учун муҳим имконият яратади. Мазкур вазифа сув тақсимоти, иқлимга мослашиш, Оролбўйини тиклаш ва аҳолини тоза сув билан таъминлаш каби масалаларда амалий лойиҳаларни илгари суришни талаб этади. Шу маънода, нуткда мамлакатда ўрмонлар майдони 6 млн. гектарга кўпайтирилгани ва унинг учдан бир қисми Оролбўйига тўғри келиши таъкидланди. Бу ишлар чўлланиш ва ер деградациясига қарши курашишда айни муддао. Натижа эса экилган майдон билан бирга кўчатларнинг сақланиб қолиши, парвариш қилиниши ва маҳаллий экотизимга мослиги орқали баҳоланиши лозим.

2

МУЛОҚОТДАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикасига ташрифи доирасида бир қатор самарали учрашувлар ўтказди.

Эътиборлиси, мулоқотлар фақат сиёсий, парламентлараро муносабатлар билан чекланиб қолмаяпти. Уларда иқтисодиёт, хотин-қизлар тадбиркорлиги, бандлик, меҳнат миграцияси, таълим, рақамли технологиялар ва инновациялар каби мамлакат тараққиёти учун муҳим бўлган йўналишлар ҳам қамраб олинмоқда.

Учрашув

Тадбиркорлик ва бандлик: шерикликнинг амалий натижалари

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Жанубий Корея тадбиркор аёллари ассоциацияси раиси Пак Чан Сук ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда инвестицияни жорий этиш ва маҳсулот экспорти бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Пак Чан Сук Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, 3,5 миллионга яқин тадбиркор аёлларни бирлаштирган ассоциация ҳамкорликка очиқлигини билдирди.

Учрашувда “The Skin”, “Sooho Global” ва “Metal Heater Solution” компаниялари вакиллари косметика саноати, экспорт, маркетинг, сув таъминоти ва экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шериклик таклифларини билдирди. Тадбиркор аёллар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш, қўшма ўқув дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳам тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, Сенат Раиси Сеулда Корея Республикаси бандлик ва меҳнат вазири Ким Юнг Хун билан учрашув ўтказди.

Унда икки мамлакат ўртасида бандлик, миграция, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокамага тортилди.

Ким Юнг Хун Ўзбекистон билан ушбу йўналишлардаги шерикликни юқори баҳолаб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдорлигини билдирди.

Мулоқот давомида Жанубий Корея компанияларини Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этиш, иш берувчилар талабларига мос малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни шаффоф танлов асосида ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, БМТнинг Глобал акселератор ташаббуси доирасида норасмий бандликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, ёшларни касбга тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Якунда Жанубий Кореяда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббий суғурта ва компенсация тўловлари билан боғлиқ масалаларда амалий ёрдам кўрсатишга тайёрлик билдирилди.

2

ГЛОБАЛ БЕҚАРОРЛИК ДАВРИДА ИМКОНИЯТЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ

Ишонч ва очиқлик, маданият ва тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида фикр юритишга ундайдиган асар

Яқинда Корея Республикасида корейс тилида нашр этилган “Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” номли китоб илмий, сиёсий доиралар ва кенг жамоатчиликнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Сеул шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида иштирок этган кореялик олимлар, маданият арбоблари, сиёсатчилар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислоҳотлари ва ташқи сиёсатига бағишланган бу асарнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўли, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Қуйида Корея Республикасининг Донгдук хотин-қизлар университети профессори, Евроосиё туркий тадқиқотлар институти директори, “K-Silkroad” туркология магистратура бўлими мудири, кўп йиллардан буён Ўзбекистон тарихи, адабиёти ва маданиятини тадқиқ этиб келаётган турколог олима Ин Кёнг Онинг мазкур китоб ҳақидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Эътироф

Бир мамлакатни чуқур англаш учун, аввало, унинг келажак ҳақидаги тасаввурлари ва интилишларини тушуниш лозим. Савдо айланмаси ва инвестициялар ҳажми муҳим кўрсаткичлар, албатта. Бироқ рақамларнинг ўзи жамиятнинг тарихий тажрибаси, тараққиёт фалсафаси ва стратегик мақсадларини тўлиқ очиб беролмайди.

“Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” китобининг корейс тилида нашр этилиши ҳам айнан шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу асар кореялик китобхонларга Ўзбекистонга фақат ташқи кузатувчи нуқтаи назаридан қараш эмас, балки мамлакатнинг тараққиёт мантиғи, ислоҳотлар мазмуни ва келажакка қаратилган мақсадларини чуқурроқ англаш имконини беради.

2026 йил 10 ноябрь куни Сеул шаҳрида бўлиб ўтган китобнинг корейс тилидаги нашри тақдимотида унинг илмий аҳамияти ҳақида маъруза билан қатнашдим. Мен ўзбек адабиёти ва фольклори тадқиқоти билан шуғулланувчи олимаман. Ўзбек халқининг “Алпомиш” қаҳрамонлик достони ҳамда корейс халқининг Жумонг ҳақидаги қаҳрамонлик мифини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотим асосида Ўзбекистонда хорижликлар орасида биринчи бўлиб филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олганман.

Туркология ва Буюк Ипак йўли тамаддунини тадқиқ этувчи олима сифатида китобнинг мазмун-моҳиятини учта тушунча — ишонч, тамаддун ва ўрганиш орқали ифодалаш мумкин деб ҳисоблайман. Бу тушунчалар нафақат асарнинг асосий ғояларини англашга ёрдам беради, балки Жанубий Корея ва Ўзбекистон келажакда қандай муносабатларни йўлга қўйиши кераклиги ҳақида ҳам фикр юритишга ундайди.

4

ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИДА МУҲИМ ТУЗИЛМА



Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг хавфсизликка таҳдид ва чақирувларга қарши курашиш бўйича Универсал маркази тўғрисидаги Битимни (Тяньцзинь, 2025 йил 1 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сенат қўмитасида

Мазкур битим билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси негизида хавфсизликка таҳдид ва чақирувларга қарши курашиш бўйича Универсал марказ ташкил этилмоқда. Марказ Тошкент шаҳрида жойлашади, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш маркази эса унинг таркибий бўлинмаси мақомидаги бўлим сифатида Бишкек шаҳрида фаолият юритади.

Универсал марказ ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи бўлиб, терроризм, сепаратизм, экстремизм ва трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, уларнинг ахборот маконидаги кўринишларига қарши курашишда аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

2

СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ — СОҲА РАВНАҚИ ОМИЛИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган навбатдаги “Ҳукумат соати”да “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ижроси ҳамда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

“Ҳукумат соати”

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев жавоб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сув ресурсларини самарали бошқариш, сув тежовчи ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ҳамда агротехника тадбирларини такомиллаштириш борасида ишлар изчил олиб борилмоқда. Натижада жами 10 млрд. 691 млн. кубометр сув тежалишига эришилган.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 13 ноябрь

МУЛОҚОТДАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

1

Таълим ва рақамли технологиялар: келажакка қаратилган алоқалар

Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикасининг таълим соҳасида фаолият юритувчи қатор ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Хусусан, “EduLink” компанияси директори Хан Чонг Рим билан мулоқотда мактабгача таълим сифатини яхшилаш, хорижий тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини жорий этиш ва педагоглар малакасини ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Айтилганидек, компаниянинг инновацион дастурлари асосида Ўзбекистон боғчаларида 3,5 минг нафар бола инглиз тилини ўрганмоқда, 3 мингга яқин педагогларнинг малакаси оширилган. Учрашувда ушбу илғор усулларни “Янги авлод” мактабгача таълим муассасаларида ҳам қўллаш, педагогларни тайёрлаш ва улар учун махсус ўқув курсларини ташкил қилиш бўйича фикр алмашилди.

Шинхан университети президенти Кан Сон Чжон билан мулоқотда эса олий таълимни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, илм-фан ва инновациялар йўналишидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини фаоллаштириш, Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларини Шинхан университетининг халқаро ҳамкорлик тармоғига жалб қилиш, қўшма илмий-маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, айниқса, ҳамширалик иши йўналишидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам эътибор марказида бўлди.

Бугунги кунда мамлакатлар рақобатбардошлигини белгилаётган муҳим омиллардан бири рақамли технологиялар ва инновацион ечимлар эканини ҳисобга олсак, Сенат Раисининг “NAVER Corporation” ва “Kakao Corporation” компаниялари вакиллари билан ўтказган музокаралари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мулоқотларда рақамли технологиялар, сунъий интеллект, электрон давлат хизматлари, инновацион ва стартап лойиҳалар бўйича муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жанубий Корея компаниялари вакиллари Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётганини, ахборот технологиялари соҳасидаги ислоҳотлар ва ёш мутахассисларнинг юқори салоҳиятини эътироф этди. Суверен сунъий интеллект, электрон тўлов тизимлари, рақамли давлат хизматлари ва стартап экотизимни ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ватандошлар билан мулоқот: эътибор ва масъулият

Ташриф дастурида Жанубий Кореяда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошлар билан учрашув ҳам муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси иштирокида ўтган очиқ мулоқотда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг устувор йўналишлари, хориждаги йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда касбий ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

Ватандошларимиз давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган самимий учрашувни мамнуният билан эслаб, ўз фикр ва ташаббусларини бевосита етказиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, кенг кўламли ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини фахр билан таъкидлаб, юртимиз тараққиётига ўз билим ва тажрибалари билан ҳисса қўшишга тайёр эканликларини изҳор этди.

Очиқ мулоқот чоғида таълим, меҳнат миграцияси, ижтимоий ҳимоя, илм-фан, инвестиция ва маданий ҳамкорлик йўналишларида қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон парламент делегациясининг Корея Республикасига расмий ташрифи икки мамлакат муносабатларида амалий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Учрашувларда илгари сурилган ташаббуслар иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, замонавий билим ва технологияларни жалб этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби зарур вазифаларни қамраб олмоқда.

Энг муҳими, бу мулоқотлар парламент дипломатиясининг мазмунини ҳам намоён этмоқда. Зеро, парламентлараро ҳамкорликнинг самараси фақат учрашувлар ва келишувларда эмас, балки уларнинг инсонлар ҳаётида, тадбиркорлар фаолиятида, ёшлар таълимида ва мамлакатлар тараққиётида қандай амалий натижа бера олишида намоён бўлади.

«Халқ сўзи».

ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИДА МУҲИМ ТУЗИЛМА

1

Ҳужжатда марказнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функциялари, Кенгаш ҳамда Ижроия қўмитасининг ваколатлари, молиялаштириш тартиби, ходимларнинг ҳуқуқий ҳолати, имтиёз ва иммунитетлар, шунингдек, низоларни ҳал этиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун Тошкент шаҳрининг минтақавий хавфсизлик архитектурасидаги мақомини мустаҳкамлайди, ахборот маконидаги таҳдидларга курашишда ҳамкорлик доирасини кенгайтиради, мамлакатимиз ваколатли органларининг ШҲТга аъзо давлатлар тегишли тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда иқлим ўзгариши инсоният олдида турган долзарб глобал муаммолардан бирига айланди. Унинг салбий оқибатлари нафақат атроф-муҳитга, балки давлатларнинг иқтисодий тараққиёти, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ҳамда келажак авлодлар фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, умумий экологик таҳдидларга биргаликда ечим топиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.



Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессиясидаги (COP31) иштироки ва нутқи мамлакатимизнинг халқаро иқлим сиёсатидаги фаол позициясини яна бир бор намоён этди. Давлатимиз раҳбари нуфузли минбардан туриб Ўзбекистонда амалга оширилаётган экологик ислоҳотлар, келгуси устувор вазифалар ва Марказий Осиёда иқлим муаммоларини биргаликда ҳал этишга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида урғу бергани ҳам бежиз эмас. Чунки Марказий Осиё учун сув тақчиллиги, музликларнинг эриши ва қурғоқчилик нафақат экологик, балки ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқ муаммолардир. Ўзбекистонда сўнгги ўн йилда иқтисодиёт тармоқларида сув сарфи қарийб икки баробар камайтирилгани, суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилгани бу йўналишдаги ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, экологик таълим-тарбия масаласига эътибор қаратилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, табиатни асраш фақат давлат идоралари ёки алоҳида ташкилотларнинг вазифаси эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётий масъулияти. Болаларга ёшликдан сувни тежаш, дарахтларни парваришлаш ва атроф-муҳитни тоза сақлашни ўргатиш келажакда экологик маданияти юксак жамиятни шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Назаримда давлатимиз раҳбарининг COP31 саммитида илгари сурган энг муҳим стратегик ташаббуси Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш таклифидир. Чунки иқлим ўзгариши давлат чегараларини тан олмайди. Музликларнинг эриши, сув танқислиги, чўлланиш ва чанг бўронлари бутун минтақанинг экологик ва иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Шу боис мазкур муаммоларни ҳар бир давлатнинг алоҳида саъй-ҳаракатлари билан эмас, балки умумий ёндашув ва ҳамкорлик асосида ҳал этиш зарур.

Президентимиз таклиф этган модель учта муҳим йўналишни қамраб олади. Биринчиси — ахборот алмашинуви. Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари бўйича маълумот алмашиш инфратузилмасини яратиш, табиий офатлардан эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилмоқда. Бу аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий зарарларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчиси — технологик ҳамкорлик. “Яшил” технологияларни тупроқни тиклаш, қурғоқчил ҳудудларда углеродни ютиш салоҳиятини ошириш, чанг ва қум бўронларига қарши курашишда кенг қўллаш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда Марказий Осиё “Eco Expo” кўргазмасини доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантириш ташаббуси илгари сурилди.

Учинчиси — молиявий ҳамкорлик. Минтақанинг ўзига хос табиий-иқлим шароити ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан биргаликда имтиёзли грантлар, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу иқлим ўзгаришига мослашиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва қурғоқчил ҳудудларни тиклаш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ушбу уч йўналишнинг ўзаро уйғунлиги таклиф этилаётган моделнинг асосий устунлигидир. Чунки ишончли маълумотлар, замонавий технологиялар ва барқарор молиялаштириш бирлашгандагина экологик муаммоларга самарали ечим топиш мумкин. Энг муҳими, бу ташаббус Марказий Осиё давлатларининг халқаро иқлим музокараларидаги умумий позициясини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Мазкур ташаббусларни амалга оширишда парламентнинг ўрни ҳам муҳим. Қонунчиликни такомиллаштириш, экологик назоратни кучайтириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш ва экологик лойиҳаларга йўналтирилаётган маблағлар самарадорлигини назорат қилиш бу борадаги устувор вазифалардан. Шунингдек, минтақавий экологик ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлараро мулоқот ва тажриба алмашишни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Президентимизнинг COP31 саммитидаги иштироки ва нутқи Ўзбекистоннинг глобал иқлим сиёсатидаги фаол, ташаббускор ва масъулиятли иштирокини яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари миллий ислоҳотлар натижаларини халқаро ҳамжамиятга тақдим этиш билан бирга минтақавий ҳамкорликнинг аниқ механизмларини ҳам таклиф қилди.

Ишончим комилки, Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси модели изчил амалга оширилса, минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун имкониятлар яратилади. Зеро, иқлим ўзгаришига қарши курашиш — бу фақат бугунги куннинг вазифаси эмас, балки келажак авлодлар олдидаги масъулиятимиз.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ТАШАББУСКОРИ

1

Орол фожиаси бутун Марказий Осиё учун умумий экологик сабоқдир. Қуриб қолган денгиз тубида ҳосил бўлган Оролқумдан кўтарилаётган туз ва чанг бўронлари инсон саломатлиги, тупроқ унумдорлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис Оролбўйида саксовулзорлар барпо этиш, чўлланишга қарши курашиш, биологик хилмахилликни тиклаш ва аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган ишлар нафақат миллий, балки халқаро аҳамиятга эга.

Саммитда илгари сурилган муҳим йўналишлардан яна бири чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тизимли ташкиллаштириш масаласидир. Ўзбекистонда 3 млрд. доллардан ортиқ инвестиция йўналтирилиши назарда тутилган Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясининг жорий этилиши ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилишга қаратилган. Чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш ва хавфсиз утилизацияси аҳоли саломатлиги, шаҳарларнинг экологик ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда хусусий секторни



тақавий ҳамкорлик, ягона ёндашув ва муштарак ҳаракатларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббуси стратегик аҳамиятга эга. Ушбу моделни ахборот, технология ва молия каби учта асосий йўналишда ривожлантириш зарурлиги айтилди.

Таъкидлаш керакки, иқлим хавфларига қарши самарали курашиш учун, аввало, ишончли ва тезкор маълумот даркор. Шу мақсадда Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари ҳақида ахборот алмашиш инфратузилмасини яратиш ташаббуси илгари сурилди. Дастлабки босқичда табиий офатлар — сел, тошқин, қурғоқчилик ва кучли чанг бўронлари ҳақида эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш муҳим. Бундай тизим давлат идораларига, қутқарув хизматларига ва аҳолига ўз вақтида чора кўриш имконини беради. Бу эса инсон ҳаётини асраш, иқтисодий зарарни камайтириш ва инфратузилмани муҳофазалашда қўл келади. Кейинги босқичда секин-аста юзага келадиган офатларни — ер деградацияси, чўлланиш, музликлар қисқариши ва сув танқислигини мониторингдан ўтказиш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиши лозим. Умумий маълумотлар базаси давлатларга қарорларни тахминларга эмас, аниқ илмий далилларга асосланиб қабул қилиш имконини беради.

Иқлим ўзгаришларига мослашишда замонавий “яшил” технологиялар алоҳида ўрин тутади. Улар тупроқни қайта тиклаш, қурғоқчил ҳудудларда углеродни ютиш, чанг ва қум бўронларига қарши курашишда самарали восита бўлиши мумкин. Марказий Осиёнинг “Eco Expo” кўргазмасини доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантириш ташаббуси шу жиҳатдан муҳим. Кўргазмада илғор тажриба, инновацион ишланмалар ва минтақада қўлланилган экологик ечимлар намойиш этилади.

Маълумки, иқлимга мослашиш ва экологик тикланиш катта маблағ талаб қилади. Шунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари маҳаллий шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга оладиган барқарор молия манбаларига муҳтож. Тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан ҳамкорликда имтиёзли грантлар, “мовий” ва “қурғоқчил ҳудудлар”ни молиялаштириш каби янги механизмларни ишлаб чиқиш таклифи шу эҳтиёжга жавоб беради. “Мовий” молиялаштириш сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, канализация ва сув тежамкор инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин. “Қурғоқчил ҳудудлар”ни молиялаштириш эса чўлланишга қарши кураш, ерларни тиклаш, қурғоқчиликка чидамли қишлоқ хўжалиги, яйловларни яхшилаш ва сувсиз ҳудудларда аҳоли даромадларини ошириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш имконини беради. Бу механизмлар грант ва имтиёзли кредитларни маҳаллий эҳтиёжларга мослаштиришга, кичик ва ўрта лойиҳаларни ҳам маблағ билан таъминлашга хизмат қилади.

> *“Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим муаммолари чегара билмайди. Музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик, чанг ва қум бўронлари Марказий Осиёнинг барча давлатларига таъсир кўрсатмоқда. Шу боис бу хатарларни бир мамлакатнинг ўзи ҳал қила олмайди. Умумий таҳдидлар минтақавий ҳамкорлик, ягона ёндашув ва муштарак ҳаракатларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббуси стратегик аҳамиятга эга. Ушбу моделни ахборот, технология ва молия каби учта асосий йўналишда ривожлантириш зарурлиги айтилди.”*

Марказий Осиёда иқлим интеграцияси модели муҳим натижалар беради. Масалан, давлатлар ўртасида ишонч ва ахборот алмашинувини кучайтиради, табиий офатларга тайёргарликни яхшилайди, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, экологик технологиялар ва инвестицияларни жалб қилади, иқлим ўзгаришига чидамли қишлоқ хўжалигини шакллантиради, минтақа аҳолиси саломатлиги ва фаровонлигини муҳофазалайди. Энг муҳими, бу ташаббус иқлим масаласини рақобат эмас, ҳамкорлик майдонига айлантиради.

Сув ва экологик хавфсизлик йўналишидаги келишувлар давлатлар ўртасидаги умумий манфаатларни кучайтириб, минтақавий барқарорликка хизмат қилади.

Марказий Осиёда иқлим ўзгариши, аввало, сув ва иқтисодий хавфсизлик масаласидир. Музликларнинг қисқариши, сув оқимининг ўзгариши ва қурғоқчилик хавфининг ортиши қишлоқ хўжалиги, энергетика ва аҳоли турмушига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Суғорма деҳқончилик муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш иқтисодий тараққиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий шартларидан бири. Шу нуқтаи назардан, COP31 конференциясидаги иштирок сувдан самарали фойдаланиш, иқлим хавфларига мослашиш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш масалаларини халқаро кун тартибига олиб чиқиш жиҳатидан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг анжуман доирасида Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуарте, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Жаҳон метеорология ташкилоти бош котиби Селеста Сауло, Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад, БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан ўтказган учрашувлари ҳам эътиборга молик. Мазкур музокаралар тегишли йўналишларда “яшил” трансформация, иқлим молияси маблағларини жалб этиш, Оролбўйи бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш, Оролбўйи ҳудудида экологик мувозанатни тиклаш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва қурғоқчил экотизимлар барқарорлигини мустаҳкамлаш, сув хавфсизлигини таъминлаш, гидрометеорология инфратузилмасини модернизациялаш, обҳавони кузатиш тизимларини такомиллаштириш, маълумот алмашиш, атмосфера мониторинги, қум ва чанг бўронларини прогноз қилиш ҳамда ҳаво сифатини таъминлаш йўналишларида ҳамкорликни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Анжуман доирасида Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг глобал экологик жараёнлардаги фаол иштирокини, миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган сиёсатини яна бир бор намоён этди. Энг муҳими, мамлакатимиз экологик муаммоларга фақат бугунги куннинг муаммоси сифатида эмас, балки келажак авлодлар тақдири, миллий тараққиёт ва минтақавий хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ стратегик масала ўлароқ ёндашмоқда. Бугунги вазифа — белгиланган мақсадларни аниқ амалий натижаларга айлантириш, халқаро ташаббусларни миллий ва минтақавий лойиҳалар билан уйғунлаштириш, шунингдек, экологик масъулиятни ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаёт меъёрига айлантиришдан иборат.

Бердияр ЖОЛЛИБЕКОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, профессор.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИНТАҚАВИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессиясидаги нутқи мамлакатимизнинг глобал иқлим кун тартибидаги фаол позицияси, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган стратегик мақсадлари ва минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга интилишини яққол намоён этди.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон янги тараққиёт моделини “яшил” технологиялар ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тамойиллари асосида шакллантирмоқда. Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган “иссиқхона газлари” чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш бўйича белгиланган мақсаднинг муддатидан олдин бажарилгани, 2035 йилга қадар мазкур кўрсаткични 50 фоизга етказиш вазифасининг белгиланиши экологик ислоҳотлар изчиллигидан далолат беради. Қайта тикланувчи энергия манбалари улушини яқин тўрт йилда 54 фоизга етказиш режаси эса мамлакат энергетика тизимини модернизация қилиш ва энергия хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида эришилаётган натижалар ҳам таҳсинга лойиқ. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётда сув сарфининг деярли икки бараварга, сув ҳавзаларидан олинадиган сув миқдорининг эса бешдан бир қисмга камайгани, суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилгани амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини кўрсатади. Зеро, сув хавфсизлиги мамлакатимиз учун нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг ҳам муҳим шартидир.

Ўзбекистоннинг келгуси йилдан Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилиши зиммамизга катта масъулият юклайди. Трансчегаравий сув ҳавзаларини самарали бошқариш, минтақадаги экологик муаммоларга биргаликда ечим топиш, Оролбўйи ҳудудида экологик тикланиш жараёнларини жадаллаштириш каби вазифаларда мамлакатимизнинг ташаббускорлиги ва амалий саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳим ташаббуслардан бири — Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш таклифи бўлди. Ушбу ҳамкорликнинг ахборот, технологик ва молиявий йўналишларда йўлга қўйилиши минтақавий ҳамжиҳатликни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилади. Хусусан, иқлим хавф-хатарлари ҳақида маълумот алмашиш, эрта огоҳлантириш тизимини яратиш, илғор экологик технологияларни жорий этиш ва имтиёзли молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш умумий муаммоларга биргаликда ечим топиш имкониятларини кенгайтиради.

Мазкур ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, илмий-технологик салоҳиятни бирлаштириш, инвестицияларни жалб этиш ва инновацион ечимларни кенг жорий қилиш учун шароитлар яратади.

Иқлим ўзгаришига қарши курашишда экологик таълим ва маданиятнинг ўрни ҳам беқиёс. Табиатга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш фақат давлат дастурлари ва инфратузилмавий лойиҳалар билан таъминланмайди. Бу жараён, аввало, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида бошланиши зарур. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўникмаларини болаликдан сингдириш экологик масъулиятли жамиятни шакллантиришнинг мустаҳкам асосидир. Нутқда экологик тарбияга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам масаланинг узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик аҳамиятини кўрсатади.


Ўз навбатида, парламент олдида экологик қонунчиликни такомиллаштириш, белгиланган мақсадлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни янада ривожлантириш каби муҳим вазифалар турибди.

Бинобарин, иқлим ўзгариши давлат чегараларини тан олмайди. Демак, унга қарши курашиш ҳам умумий масъулият, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорликни талаб этади. Давлатимиз раҳбарининг Антлияда илгари сурган ташаббуслари Ўзбекистоннинг миллий экологик манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга Марказий Осиёнинг барқарор келажаги учун ҳам фаол масъулият олишга тайёрлигини намоён этди. Энг муҳими, мазкур ташаббуслар минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш ва келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга хизмат қилади.

Ҳилола ЮСУПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон 2027 — 2029 йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади.

БАҲРИДДИН МУРТАЗАЕВИЧ РЎЗИЕВ



Давлат ва жамоат арбоби, Навоий вилоятининг собиқ ҳокими, меҳнат фахрийси Баҳриддин Муртазаевич Рўзиев шу йил 11 ноябрь куни 76 ёшда вафот этди.

Б. Рўзиев 1950 йил 23 августда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг меҳнат фаолиятини Кармана тумани йўл қурилиши бирлашмасида авточилангар сифатида бошлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, Тошкент политехника институтида муҳандис-механик мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Кейинчалик Москва ижтимоий фанлар академиясида ўқиди.

Б. Рўзиев Навоий вилоятида кўп йиллар давомида ёшлар ташкилотлари ва турли бошқарув идораларида масъул вазифаларда ишлаб, ўзини тиришқоқ ва жонкуяр раҳбар сифатида намоён этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда у Навоий вилояти газлаштириш бошқармаси бошлиғи, ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Конимех тумани ҳокими каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, ҳудуд аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Бошқарув ва ташкилий ишлар борасида катта салоҳиятга эга бўлган Б. Рўзиев 2002 йилда Навоий вилояти ҳокими этиб тайинланди. Мураккаб ўтиш даврида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш, иқтисодиётга инвестициялар жалб этиш, фермерлик ҳаракатини шакллантириш, воҳанинг экспорт имкониятларини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил қилиш, Навоий халқаро аэропорти негизида халқаро логистика марказини барпо этиш ишларида сидқидилдан фидокорона меҳнат қилди.

Янги Ўзбекистон шароитида фахрийлар ташкилотининг аъзоси сифатида ўзининг бой билим ва тажрибаси, қимматли маслаҳатлари билан турли соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, ёш иқтидорли кадрларни тарбиялаш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга қаратилган тадбирларда, жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Баҳриддин Рўзиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ

СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ — СОҲА РАВНАҚИ ОМИЛИ

1

Хусусан, сув тежовчи технологияларни қўллаш ва ерларни лазерли текислаш ҳисобига 5 млрд. кубометр, ирригация тармоқларини таъмирлаш, тиклаш ва бетонлаштириш орқали 3 млрд. 141 млн. кубометр, рақамли технологияларни қўллаш натижасида 671 млн. кубометр сув тежалган. Кам сув талаб этадиган экинлар улушини ошириш ва агротехника тадбирлари ҳисобига эса 2 млрд. кубометр сув иқтисод қилинган.

Соҳада сув ресурсларини ҳисобга олиш ва назоратнинг шаффоф тизимини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қуйи бўғинда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини электрон шаклда юритиш мақсадида “Suv hisobi” ахборот тизими тўлиқ ишга туширилди. Ушбу тизим Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Crop Agro” ахборот тизими, “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва “Ўзбеккосмос” агентлигининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиниб, маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

2026 йилнинг январь — октябрь ойларида ушбу ахборот тизими орқали манбалардан истеъмолчиларга етказиб берилган жами 35 млрд. кубометр сув расмийлаштирилди. Шунингдек, 100 мингта қишлоқ хўжалиги корхонаси билан сувдан фойдаланганлик бўйича 817 мингта далолатнома электрон шаклда расмийлаштирилди. Етказиб берилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотлар эса реал вақт режимида солиқ органларига тақдим этиб борилмоқда.

“Ҳукумат соати”да сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Вазирнинг таъкидлашича, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун жами 173 минг км. узунликдаги ирригация тармоқлари хизмат кўрсатади. Уларнинг 29 минг км. магистраль ва хўжаликлараро каналлар, 48 минг км. “Сув етказиб бериш хизмати” ДМлар ҳисобидаги каналлар, 96 минг км. кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги каналларни ташкил этади.

2026 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 минг километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилиб, бетон қопламали каналларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километрга етказилди. Шунингдек, 26,5 км. лоток ва 33,1 км. ёпиқ суғориш қувурлари реконструкция қилинди. Кластер ва фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан эса 21,1 минг км. ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилди.

Сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида Марказий диспетчерлик ва сув баланси хизмати негизида 31 та штат бирлигидан иборат “Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази” давлат муассасаси ташкил этилди. Шунингдек, марказ биносида замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Вазиятлар маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

“Ҳукумат соати”да сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни ҳамда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Вазирнинг айтишича, соҳада давлат-хусусий шериклик асосида жами 1 976 та лойиҳа амалга оширилган. Ушбу лойиҳалар доирасида 494 та насос станцияси, 3 041 км. ирригация-мелиорация тармоғи ҳамда 2 217 та тик қудуқ хусусий шериклар бошқарувига берилган. Натижада жорий йилда 94 млн. киловатт-соат электр энергияси тежалиши ва бюджет харажатларининг 104 млрд. сўмга камайиши кутилмоқда.

Шунингдек, хусусий шериклар томонидан 229 та насос ва 186 та электродвигатель янгиланиб, 272 та энерготежамкор қурилма ўрнатилди. Қолаверса, жорий йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 33 та лойиҳа амалга оширилди.

Муҳокамада депутатлар соҳа истиқболига доир масалалар юзасидан вазирга қатор саволлар билан мурожаат қилди. Хусусан, **“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари** соҳани қўллаб-қувватлаш учун етарли молиявий маблағлар ажратилаётганига қарамай айрим ҳудудларда бетонлаштириш ишларининг белгиланган муддатларда бажарилмаётгани сабаблари, шунингдек, вазирлик томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ишлар ижроси ва сифатини назорат қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар билан қизиқди.

“Адолат” СДП фракцияси вакиллари бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ва ноқонуний ўзлаштирилишининг олдини олиш, аниқланган зарарни қоплаш ҳамда масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини таъминлаш бўйича қандай аниқ чоралар кўрилаётгани ва улар қандай натижа бераётганини сўради.

ЎзХДП фракцияси вакиллари сув хўжалигига ажратилаётган инвестиция маблағларининг ўз вақтида ва самарали ишлатилишига эътибор қаратиб, инвестиция режаларининг бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида саволлар берди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари эса қўшни давлатлар билан сувни тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича тузилган келишувлар қандай бажарилаётгани ҳамда бу борадаги ишлар билан қизиқди.

Вазир кўтарилган барча саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтди.

“Ҳукумат соати”да соҳа истиқболига қаратилган қатор таклифлар берилиб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

УЙ-ЖОЙ ХАРИДИДА ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ — АСОСИЙ МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришга оид қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилиб, қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мазкур ҳужжатга масъул — Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Халқчил қонун

Эскроу тизими нимани ўзгартиради?

Сапаргул УТЕМУРАТОВА, қўмита раисининг ўринбосари:



— Уй-жой сотиб олиш — ҳар бир оила ҳаётидаги энг муҳим ва масъулиятли қарорлардан бири. Бунинг учун кимдир йиллар давомида маблағ жамғаради, кимдир ипотека кредити олади. Айниқса, ҳали қурилиши якунланмаган хонадонни харид қилишда одамларни бир савол ўйлантиради: тўлаган пулим хавфсизми, уй ўз вақтида қуриб битказиладими?

Айнан шу каби саволларга ҳуқуқий ечим бериш, харидорларнинг маблағларини ҳимоя қилиш ва қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосни яратиш биз, депутатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун фуқаролар манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлардан саналади.

Қонундаги муҳим механизмлардан бири — “эскроу” тизими ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, харидор уй-жой учун тўлаган маблағ тўғридан-тўғри қурувчига берилмайди, балки банкдаги махсус ҳисобварақда сақланади. Маблағлардан фойдаланиш эса қонунчиликда белгиланган шартлар бажарилгандан кейин амалга оширилади. Бу харидор маблағларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш жараёнининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу дегани, қурилиш харидорлардан тўғридан-тўғри жалб этилган маблағлар эмас, балки қурувчининг ўз маблағлари, банк кредитлари ва қонунчиликда рухсат берилган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Объект қурилиб, ундан фойдаланишга рухсат олингач, эскроу ҳисобварағидаги маблағлар белгиланган тартибда қурувчининг қурилиш учун олган кредитини сўндиришга йўналтирилади, қолган қисми эса унга ўтказилади. Қурилишни молиялаштиришда банк кредитлари улушини камида 70 фоиз, қурувчининг ўз маблағлари улушини эса кўпи билан 30 фоиз этиб белгилаш кўзда тутилди. Бу орқали лойиҳаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва қурилиш жараёнида маблағ етишмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган кечикишларнинг олдини олиш режалаштирилди.

Жаҳон амалиётида ҳам кўчмас мулк харидорларининг маблағларини ҳимоя қилишга қаратилган молиявий механизмлардан фойдаланилади. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари ва Россия каби давлатларда бундай механизмлар турли шаклларда қўлланилади. Мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти бир-биридан фарқ қилса-да, уларни бирлаштирувчи мақсад харидор маблағларини ҳимоя қилиш ва қурилиш соҳасида молиявий интизомни кучайтиришдир.

Мамлакатимизда мазкур тизимни босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланган. Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги фармони билан “улушли қурилиш соҳасида уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли” тамойили жорий қилиниб, эскроу ҳисобварақлари орқали молиялаштириш тизимини босқичма-босқич татбиқ этиш белгиланди. Жумладан, 2025 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар улушдорларнинг маблағларини эскроу ҳисобварақлари орқали жалб қилиш тарафларнинг танловига кўра амалга оширилган бўлса, 2026 йил 1 январдан бошлаб бундай амалиёт фақат эскроу ҳисобварақлари орқали бажарилиши белгиланган.

Бугунги кунда 251 та уй-жой мажмуасида эскроу тизими асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва беш мингдан зиёд шартномалар расмийлаштирилган. Бу, шубҳасиз, қурилиш соҳасида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Ҳужжат депутатлар ва жамоатчилик таклифлари асосида маромига етказилди

Шокиржон АҲМЕДОВ, қўмита аъзоси:



— Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида асосий эътибор фуқароларнинг манфаатларига қаратилди. Биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган ҳужжат иккинчи ўқишга тайёрланиш жараёнида атрофлича кўриб чиқилди.

Бунда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, ижтимоий тармоқларда кўтарилган муаммолар, фуқароларнинг мурожаатлари, қурувчилар ва девелоперлар билан ўтказилган учрашувларда билдирилган таклифлар чуқур ўрганилди. Шунингдек, 16 та вазирлик ва идора билан муҳокамалар ўтказилиб, халқаро экспертларнинг таклифлари ҳам инобатга олинди. Натижада қонун лойиҳасига бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, улушли иштирок этиш шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир шартнома ҳамда унга киритиладиган қўшимча келишувларни нотариал тартибда тасдиқлаш талаби белгиланди. Бу фуқароларнинг шартномавий муносабатлардаги ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, қуриб битказилган хонадонлар майдонининг шартномада кўрсатилган ҳажмдан фарқланиши билан боғлиқ эътирозлар инобатга олинди. Шу мақсадда қонун лойиҳасининг 34-моддасига ўзгартириш киритилиб, улушли қурилиш объекти майдонининг шартномада белгиланган ҳажмдан рухсат этилган ўзгариш даражасини беш фоизгача белгилаш ҳамда лойиҳа ҳужжатларидаги “жиддий ўзгариш”ни муайян фоиз билан чеклашга оид қоидалар чиқариб ташланди.

Учинчидан, қурилиш ишларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, объектларни ўз вақтида якунлаш ва хонадонларни улушдорларга топширишда кечикишларнинг олдини олиш мақсадида молиялаштириш тартиби такомиллаштирилди.

Тўртинчидан, фуқароларнинг маблағларини қонунда белгиланган шакл ва тартибдан ташқари усулларда жалб қилиш ёки шартномани давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланмоқда. Бу эса қурилиш соҳасида қонунийлик ва интизомни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, янги тартибларнинг амалдаги қурилиш лойиҳаларига таъсири ҳам эътибордан четда қолмади. Объектлар қурилиши тўхтаб қолишининг олдини олиш мақсадида 79-моддага тегишли ўтиш нормаси киритилди. Унга мувофиқ, янги механизмлар қонун кучга киргандан кейин қурилишига рухсат олинган объектларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланди.

Шаффоф молиявий механизмлар ва самарали давлат назорати

Нуриддин СУЛТОНОВ, қўмита аъзоси:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар натижасида кўп квартирали уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу эса минглаб оилаларнинг ўз уйига эга бўлиш орзусини рўёбга чиқариш билан бирга, соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш заруратини ҳам юзага келтирмоқда.

Албатта, соҳада эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим масалалар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, баъзи ҳолларда қурувчилар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги, қурилиш ишларининг белгиланган муддатларда якунланмаслиги, фуқаролардан жалб қилинган маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши каби ҳолатлар аҳолининг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.



Энг муҳими, бу ерда гап фуқароларнинг йиллар давомида меҳнат қилиб, тежаб-тергаб жамғарган маблағлари, фарзандлари келажаги ва ўз бошпанасига эга бўлиш орзуси ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир улушдорнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат маблағларни кафолатли сақлаш билан чекланмаслиги керак. Бу жараёнда қурувчи ва девелоперларнинг масъулиятини ошириш, қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Сўнгги даврда қабул қилинган қонунлар билан ҳам бу борадаги жавобгарлик чоралари сезиларли даражада кучайтирилди. Жумладан, 2026 йил 28 сентябрдаги қонун билан кўп квартирали уйларни тегишли рухсатномаларсиз қурганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 450 бараваригача жарима, бундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этганлик учун эса жиноий жавобгарлик белгиланган. 2026 йил 2 ноябрдаги қонун билан қурилиш объектларига мансаб ваколатидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий, ушбу жазодан кейин ҳам бундай қилмишга такроран қўл урганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Шунингдек, фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. 2026 йил 2 ноябрдаги қонун билан қурилиш объектларига мансаб ваколатидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий, ушбу жазодан кейин ҳам бундай қилмишга такроран қўл урганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Шунингдек, фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Депутатлик фаолиятимизда аҳолининг мурожаатлари, ҳаётий муаммолари ва қонуний талабларини ўрганиш биз учун доимий вазифадир. Қонунчиликдаги ҳар бир ўзгартириш, ҳар бир янги норма, аввало, оддий инсон ҳаётида қандай ижобий натижа бериши билан баҳоланиши керак.

Шу нуқтаи назардан айтганда, “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Уй-жой хариди кўпчилик оилалар учун бир неча йиллик меҳнат, тежамкорлик ва катта умидлар маҳсулидир. Шу боис ҳеч бир фуқаро ўз маблағини йўқотишдан, қурувчи томонидан алданишдан ёки узоқ вақт давомида уйига эга бўлолмасликдан хавотирланмаслиги лозим.

«Халқ сўзи».

«КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҲУДУД» ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманини коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар дастурининг ижросини ўрганди.

Ўрганиш

Жараёнда туманда маиший коррупциянинг олдини олиш, давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ҳамда молиявий операциялар шаффофлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилга тортилди. Хусусан, 89-оилавий поликлиника, 34-умумтаълим мактаби ва 29-давлат мактабгача таълим ташкилотида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриб чиқилди. Туман деҳқон бозори ва автотураргоҳларида тушумларни электрон ҳисобга олиш, молиявий жараёнларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўрганиш натижалари бўйича чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини янада жадаллаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо ҳамда транспорт инфратузилмаси соҳаларида коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан масъулларга таклиф ва тавсиялар берилди.

Сенаторлар — ҳудудларда

ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЁН-АТРОФДАН БОШЛАНАДИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чўлланишнинг олдини олиш ва экологик барқарорликни таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилоятида бўлди.

Жараёнда Қоровулбозор туманидаги “Асадбек Замини” фермер хўжалиги яйловларида ташкил этилган озуқабоп ўсимликлар бирламчи уруғчилик майдони фаолияти кўздан кечирилди. Ушбу майдонларда чўл яйловлари маҳсулдорлигини ошириш, озуқабоп ўсимликлар турларини кўпайтириш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган ишларга эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган “яшил белбоғ” билан танишди. Завод ҳудудида иқлим шароитига мос манзарали ва мевали дарахтлар, саксовул кўчатлари экиб келинмоқда. Хусусан, 2025 йилда 30 мингдан ортиқ кўчатлар ўтказилган. Жорий йил баҳорида эса 9,2 минг туп саксовул экилган бўлиб, кузги мавсумда яна 200 минг туп саксовул экиш режалаштирилган.

Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигида олиб борилаётган ишларни ўрганиш жараёнида ноёб ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, биологик хилмахилликни сақлаш борасидаги фаолият билан танишилди. Мулоқот чоғида питомникнинг экотуристик салоҳиятини ошириш, ташриф буюрувчилар учун зарур шароитларни яратиш масалалари муҳокамага тортилди. Шунингдек, ҳудудда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлиги, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

Ишчи гуруҳнинг Бухоро вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Беларусь Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган меморандум имзоланди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 13 ноябрь

ГЛОБАЛ БЕҚАРОРЛИК ДАВРИДА ИМКОНИЯТЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ

Ишонч ва очиқлик, маданият ва тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида фикр юритишга ундайдиган асар

1 Китобда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йилдан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ташқи сиёсатдаги янгиланишлар яхлит тарзда ёритилган. Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, унда дипломатия фақат олий даражадаги учрашувлар ва имзоланган битимлар мажмуи сифатида эмас, балки ички ислоҳотлар ва ташқи очиқлик, иқтисодий модернизация ва минтақавий ҳамкорлик, миллий-маданий ўзлик ва инсон салоҳиятини ривожлантиришни бирлаштирувчи ягона тараққиёт стратегияси ўлароқ талқин этилади.

Шу боис китобни ўқиш нафақат қандай сиёсат юритилаётганини билиш, балки уни амалга оширишга замин яратган тафаккурдаги ўзгаришларни англаш имконини ҳам беради.

Марказий Осиё — ҳамкорликнинг фаол субъекти

Агар Марказий Осиёни фақат йирик давлатлар манфаатлари кесишадиган ҳудуд сифатида баҳоласак, минтақадаги мамлакатларнинг ўзлари нимани исташи ва қандай келажакни танлаётганини назардан қочиришимиз мумкин. Китоб эса эътибор марказини ўзгартиради: унда Ўзбекистон ва қўшни давлатларнинг мулоқот ҳамда мураса орқали ҳамкорлик тамойиллари ва умумий кун тартибини шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилган.

Бундай ёндашув Жанубий Кореядаги Марказий Осиё тадқиқотлари учун ҳам муҳимдир. Чунки ташқи кучлар таъсирини таҳлил қилиш билан бир қаторда, минтақанинг ўз танлови, ички имкониятлари ва салоҳиятини ҳам англаш зарур.

“Марказий Осиё — устувор йўналиш” тамойилини қўшни давлатларнинг барқарорлиги ва фаровонлигини ўз тараққиёти билан узвий боғлайдиган тафаккур тарзи сифатида тушуниш мумкин. Чегаралар, сув ресурслари ва транспорт каби ўзаро манфаатлар билан чамбарчас боғлиқ мураккаб масалалар бошқаларга босим ўтказиш воситаси эмас, балки биргаликда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа сифатида кўрилади.

Бундай ёндашувда ишонч мавҳум фазилат бўлиб қолмайди. Аксинча, у музокараларни давом эттириш, эришилган келишувларни бажариш, одамлар ва товарлар ҳаракати учун қулай шароит яратишнинг амалий асосига айланади.

Китобда илгари сурилган “ишончнинг икки ҳалқаси” тушунчаси ушбу ёндашувни яққол ифодалайди. Биринчи ҳалқа — Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик, иккинчиси эса минтақадан ташқаридаги мамлакатлар билан очиқ алоқалардир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ҳамда “Марказий Осиё плюс” (С5+1) ҳамкорлик форматлари ушбу икки ҳалқанинг мазмун-моҳиятини англашга ёрдам беради. Асосий мақсад — минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ташқи дунёдан узоқлашиш эмас, балки ички ишончга таянган ҳолда халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш. Бу суверенитетни ҳурмат қилишга асосланган минтақавий ҳамкорликни ташқи очиқлик билан уйғунлаштириш демакдир.

Мазкур нуқтаи назар иқтисодий дипломатия ва ўзаро боғлиқлик масалаларида ҳам намоён бўлади. Китобда дипломатия инвестициялар ва технологияларни саноат ҳамда ҳудудлар тараққиёти билан боғлайдиган муҳим восита сифатида талқин этилган.

Афғонистонни фақат хавфсизлик муаммоси сифатида эмас, балки Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган кўприк ўрнида кўриш ҳам ана шу мантиққа асосланади. Албатта, алоқалар тармоғи ҳақидаги ғоялар амалий ҳамкорликка айланиши учун сиёсий барқарорлик, молиявий ресурслар, мустаҳкам институтлар ва малакали мутахассислар зарур.

Энг муҳими, географик шароитни ўзгармас тақдир сифатида қабул қилмасдан, ҳамкорлик орқали янги имкониятлар яратишга интиладиган стратегик тафаккурни шакллантиришдир.

Тарихий хотирадан келажак салоҳияти сари

Туркология ва Буюк Ипак йўли тамаддунини ўрганувчи олима сифатида мени, айниқса, китобда тарихий-маданий мероснинг замонавий давлат тараққиёти учун муҳим бойлик ўлароқ талқин этилгани алоҳида таъсирлантирди.

Асарда Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг тарихий ўрни, ислом тамаддунининг илмий анъаналари ҳамда жадидлар маърифатпарварлиги меросини келгуси авлод салоҳиятига айлантириш, пировардида, инсон камолотига хизмат қилади.

Туркий дунёнинг тарихий-маданий ришталарини ҳам шу нуқтаи назардан англаш мумкин. Умумий тарихий хотиранинг ўзи ҳамкорликни автоматик равишда чуқурлаштирмайди. Бу хотира қўшма тадқиқотлар, таржималар, университетлараро алмашинувлар ва маданий меросни ўргатиш орқали ривожлантирилгандагина тарихий яқинлик бугунги ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи кучга айланади.

Айни пайтда турли халқлар, тиллар, динлар ва турмуш тарзлари туташган Марказий Осиёнинг кўп қатламли табиатини ҳурмат қилиш ҳам муҳимдир. Тамаддун меросининг қадри фақат ўхшашликларни тасдиқлашда эмас, балки турли тажрибаларни англаш ва биргаликда яшаш маданиятини бойитишда ҳам намоён бўлади.

> ***“Ушбу китобни кореялик ўқувчиларга тавсия этишимнинг сабаби ҳам шунда. Ўзбекистонни фақат бозор, табиий ресурслар ёки транспорт нуқтаи назаридан англаш етарли эмас. Ҳамкор мамлакат қандай тарихий тажрибага эга, нимани қадрлайди ва келгуси авлод учун қандай келажакни кўзламоқда — буларни ҳам билиш зарур. Китобнинг корейс тилида нашр қилиниши ана шундай англаш сари очилган муҳим дарчадир.”***

Темир йўллар ва автомобиль йўллари шаҳарлар ҳамда бозорларни боғласа, китоблар ва таржималар, таълим ва илмий тадқиқотлар инсонлар тафаккурини яқинлаштиради. Бугунги Буюк Ипак йўли учун ушбу икки турдаги алоқани биргаликда ривожлантириш ниҳоятда муҳим.

Моддий йўлларни кенгайтириш қанчалик зарур бўлса, улардан фойдаланадиган инсонларнинг бир-бирини англашига хизмат қиладиган билим ва маърифат асосларини яратиш ҳам шунчалик долзарб.

Ушбу китобни кореялик ўқувчиларга тавсия этишимнинг сабаби ҳам шунда. Ўзбекистонни фақат бозор, табиий ресурслар ёки транспорт нуқтаи назаридан англаш етарли эмас. Ҳамкор мамлакат қандай тарихий тажрибага эга, нимани қадрлайди ва келгуси авлод учун қандай келажакни кўзламоқда — буларни ҳам билиш зарур. Китобнинг корейс тилида нашр қилиниши ана шундай англаш сари очилган муҳим дарчадир.

Жанубий Корея ва Ўзбекистон: илм-фан йўлидаги ҳамкорлик

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун муносабатлар бир томон ўргатадиган, иккинчи томон эса фақат ўрганадиган шаклда эмас, балки саволларни биргаликда қўйиш ва янги билимлар яратишга асосланган шериклик руҳида ривожланиши керак.

Саноат ва технология бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда уни узоқ муддатли давом эттириш учун тилни биладиган, тарихни ўрганадиган, институтлар ва маданиятни тушунадиган инсонлар зарур. Таълим ва илмий алмашинув иқтисодий ҳамкорликка қўшиладиган қўшимча безак эмас, балки унинг мустаҳкам ва узоқ муддатли асосларини яратадиган муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан, учта асосий йўналишга эътибор қаратишни таклиф қилган бўлардим.

Биринчиси, Буюк Ипак йўли ва маданий мерос бўйича қўшма тадқиқотларни кенгайтириш лозим. Икки мамлакат олимлари тарихий манбаларни биргаликда ўрганиб, материалларни қиёслаб, ўз илмий қарашларини ўртоқлашса, бир-бирини фақат тадқиқот объекти сифатида кўришдан билимни биргаликда яратадиган ҳамкорлик босқичига кўтарилишлари мумкин.

Иккинчиси, таржима ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Бир-биримизнинг адабиётимиз, тафаккуримиз ва тарихий тажрибамиз билан ўз тилимизда танишганимизда, ўзаро англашув фақат мутахассислар доирасида қолиб кетмай, бутун жамиятга ёйилади.

“Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” китобининг корейс тилида чоп этилиши ана шундай интеллектуал алмашинувнинг ёрқин намунасидир. Албатта, битта китоб бир мамлакатни тўлиқ тушунтириб бера олмайди. Аммо у мамлакатни янада чуқурроқ ўрганиш, янги саволлар қўйиш ва илмий изланишларни бошлаш учун муҳим асос бўла олади.

Учинчиси, минтақашунослик соҳасида янги авлод мутахассисларини тайёрлашга эътибор қаратиш керак. Тилни пухта биладиган ва минтақани чуқур тушунадиган ёш тадқиқотчилар университетлар ҳамда илмий муассасалар ўртасидаги алмашинув дастурларида фаол иштирок этиб, умумий муаммо ва вазифаларни ўрганишлари лозим.

Битимлар ҳамкорлик учун ҳуқуқий ва ташкилий асос яратади. Бироқ уни мунтазам илмий алмашинувлар, ўзаро ишонч ва инсон капитали орқали бойитадиган ҳам айнан одамлардир. Инсон ва билимга йўналтирилган сармоя икки мамлакат муносабатларининг келажагини мустаҳкамлайди.

Олима сифатида китобда баён этилган натижалар ва истиқболларни келгусида қиёсий тадқиқотлар ҳамда эмпирик таҳлиллар орқали янада чуқурроқ ўрганиш муҳим, деб ҳисоблайман.

Ишонч қайси институтлар орқали амалий ҳамкорликка айланади? Маданий мерос таълим ва халқаро алмашинув жараёнларида қандай қилиб фаол салоҳиятга айланиши мумкин? Дипломатик ташаббуслар фуқаролар ҳаёти билан қай тарзда боғланади?

Булар икки мамлакат илмий жамоалари биргаликда тадқиқ қилиши мумкин бўлган муҳим саволлардир. Мазкур китоб янги саволлар ва кейинги изланишларга йўл очиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

“Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” — Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янгиланишларни англашга ёрдам берадиган, айни пайтда ишонч ва очиқлик, маданият ва тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида фикр юритишга ундайдиган асардир.

Ушбу китоб Жанубий Корея тадқиқотчилари, сиёсат соҳасида қарор қабул қилувчи мутахассислар, тадбиркорлар ва кенг китобхонлар оммаси орасида қизиқиш уйғотишига умид беради. Ўзбекистонлик ўқувчиларга эса Жанубий Корея билан ҳамкорликни фақат товарлар ва технологиялар алмашинуви сифатида эмас, балки тажриба ва билимни биргаликда бойитадиган, ўзаро англашувга асосланган муносабатлар сифатида кўришни таклиф этаман.

Китоб орқали бир-биримизнинг фикрларимизни англаш, илмий тадқиқотлар орқали умумий саволларга биргаликда жавоб излаш, таълим орқали эса келгуси авлодни тайёрлаш мумкин. Мен ушбу китобнинг корейс тилидаги нашрида келажак учун ана шундай имкониятни кўрдим.

Ишонч янги йўлларга эшик очади, билим эса бу йўлларни келажак билан боғлайди.

МУДОФАА янгиликлари

Ҳарбийларимиздан бронза медаль

Ўқ отиш спорти бўйича жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.



Маросимда сўзга чиққанлар спортчиларимизнинг халқаро майдондаги муносиб иштирокини юқори баҳолаб, қўлга киритилган бронза медаль катта меҳнат, пухта тайёргарлик ва спортчиларнинг ўз олдига қўйган мақсадига қатъий интилишининг натижаси эканини таъкидлади.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан маълум қилишича, Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 91 давлатдан 1100 га яқин спортчилар қатнашди.

Ушбу нуфузли мусобақанинг 10 метрга пневматик тўппончадан отиш бўйича эркаклар жамоавий баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси 1738 балл жамғариб, фахрли учинчи ўринни эгаллади ва бронза медалга сазовор бўлди.

Билим ва тафаккур синови

Тошкент шаҳридаги “Заковат арена”да Мудофаа вазирлиги қўшинларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Заковат” интеллектуал ўйинларининг 2026 йилги финал босқичи бўлиб ўтди.



Уч босқичда ташкил этилган ушбу мусобақанинг дастлабки саралаш баҳслари ҳарбий қисмлар ва муассасаларда, кейинги босқичи эса ҳарбий округлар (бирлашмалар) миқёсида ўтказилди. Ҳал қилувчи финал босқичига ана шу саралашлардан муваффақиятли ўтган жамоалар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасалари вакиллари йўлланма олди.


Якуний баҳсларда ҳарбий округлар (бирлашмалардан) 9 та, олий ҳарбий таълим муассасаларидан 4 та — жами 13 та жамоа билим ва тафаккур синовидан ўтди.

Муросасиз ва қизғин кечган беллашувлар якунига кўра Шарқий ҳарбий округнинг “Жадидлар” жамоаси биринчи, Марказий ҳарбий округнинг “Марказ” жамоаси иккинчи, Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг “Маърифат” жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндор жамоалар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Артиллерия мутахассислари ўқув йиғинида

Шарқий ҳарбий округнинг “Шорсу” полигонида артиллерия бўлинмалари ҳамда умумқўшин бўлинмаларининг артиллерия оловини корректировка қилиш бўйича мутахассислари иштирокида навбатдаги ўқув йиғини бошланди.



Мазкур ўқув йиғинида Шарқий ҳарбий округ тасарруфидаги артиллерия, умумқўшин ва махсус бўлинмаларнинг тегишли мутахассислари қатнашмоқда. Мақсад ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда амалий кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилаётган машғулотларда иштирокчилар ўз мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиб, назарий билимларини амалий фаолият билан уйғунлаштирмоқда. Бу эса ҳарбий мутахассисларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, тажриба алмашиш ва вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

«IT PARK FERGANA» — ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЛОЙИҲА



Фарғона шаҳрининг марказида 42 миллиард сўм сарфланиб қад ростлаган ва замонавий жиҳозланган тўрт қаватли бино бугун ёшлару мактаб ўқувчилари билан гавжум. Вилоят ҳокимлиги мазкур инновациялар маркази фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ерга хорижий компаниялар мутахассисларини жалб этишни режалаштирган.



Қулайлик

— Мақсадимиз — шу ернинг ўзида маҳаллий ва хорижий IT компаниялар фаолиятини мувофиқлаштириш, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш, — дейди мажмуа етакчи мутахассиси Рашидбек Тожибоев. — Шунингдек, мактаб ўқувчиларини ахборот технологиялари ва хорижий тилларга ўқитиш мақсадида “Ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасига ҳам киришганмиз. Қисқа фурсатда танлов ўтказдик ва 1,5 минг нафар ўқувчи орасидан 180 нафар иқтидорли ёшни танлаб олдик. Айни чоғда улар махсус ўқув курсларига жалб этилган. Дарвоқе, курсларимиз ўқувчиларнинг мактабдаги фаолиятига халақит бермайди, балки уларнинг дарслардан сўнг хорижий тиллар ва замонавий IT йўналишлари бўйича билими ва амалий кўникмаларини янада оширишга туртки беради.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шу йилнинг тўртинчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида «Нукус-2» шамол электр станцияси ва аккумуляторли энергия сақлаш тизимини барпо этиш бўйича халқаро лойиҳа ишга туширилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6